



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil " 5 " may

Қ-387 -son

Termiz sh.

Ангор тумани “Мустақиллик” массиви худудидан “SURXON ЕКРО INVEST” МЧЖга “Паррандачиликни ривожлантириш” мақсадида ҳамда “Паррандачилик комплекси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 05-02/320-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 01 апрелдаги 45-сон хулосаси ва Ангор тумани ҳокимининг 2021 йил 11 мартдаги 54/01-19-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ангор тумани “Мустақиллик” массиви худудидан “SURXON ЕКРО INVEST” МЧЖга туман ҳокимлиги захираси ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 719-дала контуридаги жами 2,0 гектар, шундан 1,0 гектар бошқа ер майдонига “Паррандачиликни ривожлантириш” мақсадида, 1,0 гектар яйлов ер майдонига “Паррандачилик комплекси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “SURXON ЕКРО INVEST” МЧЖ ажратилаётган 1,0 гектар яйлов ер майдонида “Паррандачилик комплекси” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 15 258 460 (ўн беш миллион икки юз эллик саккиз минг тўрт юз олтмиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами

(4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов